

Одил ЁҚУБОВ

МУҚАДДАС

Қисса

Адабиёт ва санъат нашриёти

Тошкент

1963

«Муқаддас» қиссаси олтмишинчи йиллар ёшларининг севимли асарларидан бири эди. Қисса — муҳаббат ҳақида, тўғрироғи, фожеий севги ҳақида. Чин муҳаббат, поклик ва ҳалолликнинг рамзи. Қисса қаҳрамони Шарифжон севгилиси Муқаддасга эришиш орзусида худбинликка йўл қўяди ва... суюқлисидан айрилади. Чунки худбинлик ва ноҳалоллик ҳукм сурган жойда муҳаббат сўнади, ҳатто ўлади. Шу боисдан «Муқаддас» қиссаси бугунги кун учун ҳам, эҳтимол келажак учун ҳам ибратли бўлиб қолаверади.

* * *

Бу воқеаларга бир қиз сабаб бўлди. Қизнинг исми Муқаддас эди... Мен у билан биринчи марта институтда, кириш имтиҳонлари бўйича химиядан ўтказилаётган сўнгги консультация пайтида танишдим, йўқ, танишдим десам нотўғри бўларди, шунчаки икки оғизгина гаплашиш бахтига муяссар бўлдим...

Ўша воқеадан бир кун олдин мен заводдан отпускага чиққандим. Отпускам имтиҳон пайтига тўғри келишини билган ойим билан ўгай отам: «Институтга имтиҳон топшириб кўр, кира олсанг, яхши, кира олмасанг сендан нима кетади?» деб анчадан бери қистаб юришарди. Мен имтиҳон топшириб толейимни синаб кўришга қарши бўлмасам ҳам: «Бу гап заводдаги дўстларимнинг қулоғига чалинса: «Бир йил ишламасдан туёғини шиқиллатиб қолди-я деб кулишмасмикин?» деган андишаларга бориб, иккиланиб юрардим. Ўша куни нонушта вақтида бу гап яна кўзгалди-ю, розилик бермай иложим қолмади. Лекин қизиқ: шу ишга ўзим розилик берган бўлсам ҳам, уйдан чиққанимдан кейин: «Ишдан қочди, деган гапга қолмасмиканман?» деган ўйлар яна эсимга тушиб, кўнглимни ғаш қилди, шунинг учун ҳам қабул комиссиясига кирмасдан аввал, бу ёғини ҳам бир кўриб қўяй, деган фикр билан консультация ўтказилаётган аудиторияга кирдим.

Мен кирганда деразалари ҳовлига қараган узун, ярим қоронғи аудитория қиз-йигитларга лик тўлган эди. Қоп-қора ялтироқ сочларини силлиқ қилиб тараб олган ўрта бўйли ёшгина домла қўлидаги бўр билан доскани тақ-тақ уриб, уни тушуниш мушкул бўлган мураккаб формулаларга тўлдирмоқда эди.

Бахтимга эшикдан кирган жойда, ярим очик турган катта деразанинг тагида ўриндиғи ўпирилиб тушган бўш стул, унинг ёнида кимдир туртиб қулатиб кетган узун пачоқ скамейка ётарди.

Мен домла кўриб қолмасин учун тез бориб скамейкани турғизиб қўйдим-да, четига ўтира қолдим.

Аудитория дим, иссиқ ва аллақандай ёқимсиз тер ҳидига тўла эди. Домланинг «цинкум», «водород», «валентлик», «сульфат кислотаси» каби кимёвий терминларга тўлиб-тошган